

«OLOY DEHQON BOZORI» АЖ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ НАВБАТДАГИ УМУМИЙ ЙИФИЛИШИ БАЁНИ

2016 йил 22 апрел

Тошкент шахри

Акциядорларнинг 2015 молиявий йил якуни бўйича умумий йиғилиши Тошкент шахар Юнусобод тумани Амир-Темур кўчаси 40-йй манзилида, жамиятнинг маъмурий биносида 2016 йил 22 апрел куни ўтказилди. Йиғилишда 1824615 та овозга эга 16 та акциядор қатнашди, бу жами акциядорларнинг 98,6 % ни ташкил этади, йиғилиш ўтказиш хуқуқига эга.

Жамият Устав жамғармасининг 98,65 %га эгалик қилувчи Тошкент шахар хокимияти номидан ишончнома асосида “Тошбозорсавдо” уюшмаси булим бошлиги Камолов Толмас қатнашди.

Йиғилиши раёсатига бир овоздан қуийдагилар сайландилар:

Халисов Д.М.- Юнусобод тумани хокими биринчи уринбосари

Камолов Т.К. – Жамият Кузатув Кенгаши аъзоси

Раззоков А.А.. – «Олой дехқон бозори» АЖ директори.

Йиғилиши котибиятига бир овоздан қуийдагилар сайландилар:

Хасанбаева Г.

Йиғилиши саноқ хайъатига қуийдаги ходимлар сайландилар:

Б.Мийлиев, С.Хасанова, М.Гиязов.

Йиғилишга жамиятнинг Кузатув Кенгаши раиси Д.М.Халисов раислик қилди.

Йиғилиш кун тартиби:

1. «Oloy dehqon bozori» АЖнинг 2015 йил фаолияти якуни юзасидан жамият директорининг ҳисоботини тасдиқлаш ва унинг фаолиятига баҳо бериш.
- .2. Жамиятнинг 2015 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни юзасидан ташқи аудиторлик текшируви хулосасини кўриб чиқши.
3. Жамият тафтиши комиссиясининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар, шу жумладан жамиятни бошқаришига доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан хулосалари.
4. Жамиятнинг 2015 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.
5. Жамият кузатув кенгашининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар, шу жумладан жамиятни бошқаришига доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан ҳисоботи.
6. Жамиятнинг 2015 йил якуни бўйича фойда ва заарлари ҳисобварагини тасдиқлаш, унинг фойдаси ва заарларини тақсимлаш.
7. Жамиятнинг 2016 йилга мўлжалланган «Бизнес-режаси»ни, хамда “Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси”ни тасдиқлаш.
8. Жамиятнинг директори билан тузилган шартномани амал қилиши муддатини узайтиши.
9. Жамиятнинг Кузатув кенгашини сайлаш.
10. Жамиятнинг Тафтиши комиссиясини сайлаш.
11. Жамият Уставига ўзгартириши киритши.
12. “Жамият акциядорлари умумий йиғилиши тўғрисидаги Низом”га ўзгартириши киритши.
13. “Жамият Кузатув кенгаши тўғрисидаги Низом”га ўзгартириши киритши.
14. “Жамият Ижроия органи тўғрисидаги Низом”га ўзгартириши киритши.

15. Жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш.

16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2015 йил 18 декабрдаги 366-сонли қарори хамда 2016 йил 22 мартдаги 216-ф-сонли фармойиши ижросини таъминлаш.

17. Жамиятда “Корпоратив бошқарув Кодекси”га риоя қилишини тасдиқлаш.

18. Жамиятни ўрта муддатга ривожлантиришининг стратегиясини тасдиқлаш.

19. Жамиятнинг узоқ муддатга ривожлантиришининг стратегиясини тасдиқлаш.

Йигилиш регламенти қуидагича тасдиқланди:

Асосий масалаларга 10 минутгача.

Сўзга чикувчиларга 5 минутгача.

Йигилиш кун тартибидаги **биринчи** масала бўйича жамият директори А.А.Раззоковнинг хисоботи тингланди. Жамият директори ўз хисоботида 2015 йил якуни бўйича амалга оширилган ишлар, эришилган ютуқлар ва мавжуд камчиликлар, жумладан 2015 йилнинг якуни бўйича даромад режаси 1 241 400 минг сўм бўлган, амалда 1 321 905 минг сўмга бажарилгани, харажатлар 480 722,5 минг сўмни, амалда харажатлар 5310610,6 минг сўмни ташкил этиб, жамият 118253 минг сўм соф фойда ўрнига, 106178,5 минг сум олгани, 12,0 млн.сўмга кам бажарилганлигини маълум қилди.

Берилган саволларга маъruzачилар жавоб берганларидан сўнг, раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Йигилиш кун тартибидаги **иккинчи** масала бўйича «НАЗОРАТ- АУДИТ» МЧЖнинг 2015 йил якуни бўйича ўтказилган аудит текшируви хulosасини жамият бош хисобчиси Л.В.Стрельникова ўқиб эшиттирди, жумладан, аудит текшируви натижасига кўра, жамият молиявий ва хўжалик фаолияти, хамда бухгалтерия хисоботлари Ўзбекистон Республикасидаги қонунчилигига мувофиқ келиши хақида 2016 йил 18 мартдаги ижобий хulosа берилгани хақида маълумот берди. (аудиторлик текшируви хulosаси илова қилинади).

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Йигилиш кун тартибидаги **учинчи** масала бўйича жамиятнинг тафтиш комиссияси раиси М.Зарипов хисоботни йифилганларга ўқиб эшиттирди, жумладан, жамият тафтиш комиссияси томонидан амалга оширилган тафтишга хамда жамият ташки аудитори «НАЗОРАТ- АУДИТ» МЧЖнинг 2016 йил 18 мартдаги ижобий аудиторлик хulosасига асосланиб:

- жамиятнинг хисоботларида ва бошқа молиявий ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилигини;

- афилланган шахслар билан битимлар, шунингдек йирик битимлар тузилмаганлигини эътироф этишини маълум қилди. (тафтиш хайъатининг хulosаси илова қилинади).

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибидаги **тўртинчи** масала бўйича жамият бош мухосиби Л.В.Стрельникова сўзга чиқиб, жамиятнинг 2015 йил якуний баланси хақида ахборот берди. Жумладан,

Бухгалтерлик баланси

Актив	сумма	Пассив	сумма
-------	-------	--------	-------

<i>Асосий воситалар (колдик киймати)</i>	1318428,3	<i>Устав капитали</i>	1849174,0
Узок муддатли инвестициялар	93720,5	Резерв капитали	392197,8
Капитал куйилмалар	2337198,9	Максадли тушумлар	267172,8
Узок муддатли дебиторлик карзлари		Таксимланмаган фойда	47842,1
Ишлаб чикириш захиралари	37200,6	Узок муддатли банк кредитлар	
Товарлар		Ажратилган булинмаларга карз	
Келгуси давр харажатлар	126273,6		
Пул маблаглари	8246,6		
Дебиторлар	137663,6	Жорий кредиторлик карзлар	1502345,4
Жами	4058732,1	Жами	4058732,1
		Соф фойда	+ 47842,1

2015 йил молиявий натижалар бўйича маълумот (минг сум)

1	Даромадлар	1321905
2	Харажатлар	577907,3
3	Фойда солиги олингунга кадар фойда	743997,7
4	Соф фойда	106178,5

Раислик қилувчи акциядорлардан кўрилган масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибидаги **бешинчи** масала бўйича жамият Кузатув Кенгashi раиси Д.М.Халисов хисобот йилидаги Кузатув Кенгашининг фаолияти бўйича хисобот берди. Жумладан, Кенгаш томонидан 2015 йил учун тасдиқланган «Бизнес-режа»нинг жамият ижроия органи томонидан бажарилиши тахлил қилиб борилгани, шу билан бирга жамият ижроия органининг хар чоракда хисоботлари тингланиб, мавжуд дебиторлик қарзларини ундириш ишларини жадаллаштириш, бу каби қарзларни пайдо бўлишига йўл қўймаслик, даромадлар ва харажатлар сметаси кўрсаткичларини бажариш, белгиланган харажатлардан ортиқ харажатга йўл қўймасликка доир масалалар кўрилгани хамда Хукуматимиз томонидан қабул қилинган фармон, қарор ва фармойишларни ўз вақтида бажарилиши юзасидан тавсиялар бериб борилгани, Узбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 28 апрелдаги ПҚ-2340-сонли қарорига мувофиқ қўшимча эмиссия акциялари чиқарилиши қарори қабул қилиниб, номинал қиймати 1000 сум бўлган 1727753 дона акция биржадан ташқари эркин савдоларга чиқарилгани хакида маълумот берди. (жамият Кузатув Кенгashi хисоботи илова қилинади).

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибидаги **олтинчи** масала бўйича жамият бош мухосиби Л.В.Стрельникова сўзга чиқиб, жамиятнинг аввалги йиллардан колган “Келажак курувчи” МЧЖ ташкилоти олдидаги 126.273,6 минг сумлик карзи, ”Куйлик АВЗ” ташкилоти олдидаги 72.771,4 минг сум ва бошқа ташкилотларга хам дебитор карздорлиги мавжудлигини айтиб, 2015 йилда олинган 106.178,5 минг сумм соф фойдадан захира жамгармасига 5 % - 5308,9 минг сум, аввалги йилдан копланмаган зарарни коплашга- 58336,4 минг сум ва жамиятни ривожлантиришга- 42533,2 минг сумни

йуналтириш таклифини киритди.

· Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Йиғилиш кун тартибидаги **еттинчи** масала бўйича жамият директори А.А.Раззоков сўзга чиқиб, жамиятнинг 2016 йилга режалаштирилган “Бизнес-режаси”, хамда “2016 йил учун даромадлар ва харажатлар сметаси режаси” билан йиғилиш қатнашчиларини таништириди. Жумладан, бизнес-режасидаги 2016 йилга режалаштирилган ишлар, даромад олиш манбалари, соф фойда режаси йиғилиш иштирокчилари томонидан мухокама этилди. (“Бизнес-режаси” ва “Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси” тўлалигича илова қилинади).

Маъruzачининг берилган саволларга жавобидан сўнг, раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибидаги **саккизинчи** масала бўйича раислик қилувчи жамият акциядорларининг 2015 йил 29 апрелдаги навбатдаги умумий йиғилиш қарорига мувофиқ жамият директори Раззоков Аҳад Анварович билан бир йилга шартнома тузилганини маълум қилиб, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар хукуқларини химоя қилиш тўғрисидаги Конуннинг 62-моддасига мувофиқ, жамият Кузатув кенгашининг А.А.Раззоков билан тузилган шартномани амал қилиш муддатини узайтириш мумкинлиги юзасидан хулосаси мавжудлигини билдири ва йиғилиш қатнашчиларини ушбу хулоса билан таништириди.

Кун тартибидаги масала юзасидан савол-жавоблардан сўнг жамият директори Раззоков Аҳад Анварович билан тузилган шартномани амал қилиш муддатини бир йилга узайтириш масаласи бўйича акциядорлардан овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Раислик қилувчи кун тартибидаги **тўққизинчи** масалага ўтиб, 2016 йилда жамиятнинг Кузатув Кенгashi аъзолигига номзодлар тарқатилган овоз бериш бюллетенларида келтирилганлигини билдириб, акциядорлардан ушбу масала бўйича кумулятив овоз бериш йўли билан овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Раислик қилувчи кун тартибидаги **ўнинчи** масалага ўтиб, жамиятнинг Тафтиш комиссияси аъзолигига номзодлар тарқатилган овоз бериш бюллетенларида келтирилганлигини билдириб, акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибидаги **ўн биринчи** масала бўйича жамият директори А.Раззоков сўзга чиқиб, Узбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги ПҚ-4720-сонли қарори, 2015 йил 21 декабрдаги ПФ-2454-сонли қарори фармони, хамда 2015 йил 29 декабрдаги ПҚ-396-сонли қарорига мувофиқ “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар хукуқларини химоя қилиш тўғрисидаги Конуни”га ўзgartiriшлар киритилганини инобатга олиб, жамият уставига тегишли ўзgartiriшлар киритиш юзасидан таклиф тайёрланганини маълум қилди ва йиғилиш иштирокчиларини киритилаётган ўзgartiriш ва қўшимчалар лойихаси билан таништириди.

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибидаги **ўн иккинчи** масала бўйича жамият директори А.Раззоков сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 29 декабрдаги ПҚ-396-сонли қарорига мувофиқ “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар хукуқларини химоя қилиш тўғрисидаги Қонуни”га ўзгартиришлар киритилгани муносабати билан, “Жамият акциядорлари умумий йигилиши тўғрисидаги Низом”га тегишли ўзгартиришлар киритиш юзасидан таклиф тайёрланганини маълум қилди ва йигилиш иштирокчиларини киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар лойихаси билан таништирди.

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибидаги **ўн учинчи** масала бўйича жамият директори А.Раззоков сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 29 декабрдаги ПҚ-396-сонли қарорига мувофиқ “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар хукуқларини химоя қилиш тўғрисидаги Қонуни”га ўзгартиришлар киритилгани муносабати билан, “Жамият кузатув кенгаши тўғрисидаги Низом”га тегишли ўзгартиришлар киритиш юзасидан таклиф тайёрланганини маълум қилди ва йигилиш иштирокчиларини киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар лойихаси билан таништирди.

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибидаги **ўн тўртинчи** масала бўйича жамият директори А.Раззоков сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 29 декабрдаги ПҚ-396-сонли қарорига мувофиқ “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар хукуқларини химоя қилиш тўғрисидаги Қонуни”га ўзгартиришлар киритилгани муносабати билан, “Жамият Ижроия органи тўғрисидаги Низом”га тегишли ўзгартиришлар киритиш юзасидан таклиф тайёрланганини маълум қилди ва йигилиш иштирокчиларини киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар лойихаси билан таништирди.

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибидаги **ўн бешинчи** масала бўйича жамият ходимлар бош нозири. Г.Хасанбаева сўзга чиқиб, ўтган давр мобайнида жамият ташкилий тузилмасига ўзгартириш киритиш зарурати юзага келгани, эски бўлинмалар ва лавозимларни тугатиш, замонавий халқаро стандартлар ва бозор иқтисодиёти талабларига мос янги бўлинма ва лавозимларни жорий этишни инобатга олган ҳолда, жамиятни бошқариш тузилмасини тубдан қайта ташкил этиш мақсадида, жамият ташкилий тузилмасини қайта тасдиқлаш юзасидан таклиф тайёрланиб, кузатув кенгаши томонидан дастлабки тарзда маъкулланганлигини маълум қилди ва жамиятнинг янги ташкилий тузилмаси билан йигилиш иштирокчиларини таништирди.

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибидаги **ўн олтинчи** масала бўйича жамият директори А.Раззоков сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамасининг 2015 йил 18 декабрдаги “Тошкент шахридаги дехқон бозорларини қуриш, қайта таъмирлаш ва ободонлаштириш лойихаларини амалга ошириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги 366-сонли қарорига хамда Тошкент шахар хокимининг 2015 йил 22 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамасининг 2015 йил 18 декабрдаги 366-сонли қарорининг ижроси хақида”ги 1116-сонли қарорига мувофиқ бир қатор бозорларда, қайта таъмирлаш, ободонлаштириш ишлари амалга оширилиши белгилангани, ушбу мақсадларда “Тошбозорсавдо” уюшмаси томонидан кредит маблаглари олиниши, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 28 апрелдаги 2340-сонли қарори 2-иловаси киритилган дехқон бозорлари ва савдо комплекслари томонидан қўшимча чиқарилган акцияларни сотилишини ташкиллаштириш,

хамда акцияларни сотишдан тушган маблагларни, кейинчалик уларнинг бошқарув органлари қарорларига мувофиқ тегишли дехқон бозорлари ва савдо комплекслари устав капиталига улуш сифатида киритилиши белгиланганлиги, акциялар сотилишидан тушадиган маблағлар Савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва ҳалқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш департаментининг Ҳалқ банкида очиладиган маҳсус ҳисоб рақамида жамланиб, кредитнинг қайтарилишига йўналтирилиши белгиланган”лигини айтиб ўтди. Қарор ижросини таъминлаш мақсадида СХКСХИМИЧ Департаменти 2016 йил 24 февралда 327-сонли хат билан маҳсус ҳисоб рақамини маълум қилган ҳолда, акцияларни сотишдан тушган маблагларни ушбу ҳисоб рақамига йўналтирилишини таъминлашни сўрганлигини маълум қилди.

Шунингдек, Вазирлар Махкамасининг 2016 йил 22 мартағи 216-ф-сонли фармойишига мувофиқ қайта таъмирлаб, ободонлаштириладиган қўшимча бозорлар рўйхати қайд этилиб, СХКСХИМИЧ Департаменти томонидан маҳсус ҳисоб рақамида дехқон бозорлари акцияларини сотишдан йигилган маблағларни ушбу лойихани молиялаштириш учун йўналтириши белгиланганлигини билдириди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 28 апрелдаги 2340-сонли қарори 2-иловасига мувофиқ, Тошкент шахар ҳокимияти улушкини 51 фоизга етказиш мақсадида, “Олой дехқон бозори” АЖда 2015 йил 30 июня номинал қиймати 1000 сўм бўлган 1727753 -дона қўшимча эмиссия акциялари чиқариш рўйхатдан ўтказилгани, 2016 йил 1 апрел кунига қадар “ELSIS-SAVDO” АЖ очик савдолари орқали акциялар баҳолаш қиймати 13000 сўмдан 205-данаси сотилгани, 2016 йил 30 июн қадар жами чиқарилган акцияларнинг 30 фоизи сотилмаган тақдирда, акциялар қўшимча чиқарилуви жойлашмаган хисобланиши ва акцияларни сотишдан тушган маблағлар 10 кун муддатда эгаларига қайтарилиши белгилангани, қўшимча чиқарилган акцияларнинг 30 фоизи сотилган тақдирда қўшимча чиқарилув жойлашган хисобланиши, акцияларни сотишдан тушган маблағларни СХКСХИМИЧ Департаменти ҳисоб рақамига ўтказиш жараёнида ушбу маблаг миқдори жамият соф активларининг 50 фоизидан ошса ушбу маблагларни ўтказилишини Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар хуқуқларини химоя қилиш тўғрисидаги қонуни”га мувофиқ йирик битим ҳисоблаб, ушбу масала акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йигилиши қарори чақирган ҳолда ҳал этилиши шартлигини таъкидлаб ўтди. Ҳозирги кунда сотилган акциялар миқдори камлиги сабабли, навбатдан ташқари умумий йигилиш чақиришга зарурияти йуқлиги, агар, сотилган акциялар келтириб ўтилганидек, жамият соф активларининг 50%дан ортикни ташкил этганда, ушбу маблагларни ўтказиш учун умумий йигилиш руҳсатини олиб, зарурлиги айтилди.

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибидаги **ўн еттинчи** масала бўйича жамият қимматли қофозлар бўйича мутахассиси Г.Хасанбаева сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги ПҚ-4720-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида 2016 йил 11 март куни оммавий ахборот воситаларида акциядорлик жамиятларида “Корпоратив бошқарув кодекси”ни жорий этиш юзасидан тавсиялар чиққанини маълум қилиб, жамият фаолиятининг самарадорлигини тубдан ошириш, бўлажак инвесторлар учун унинг очиқлиги ва жозибадорлигини таъминлаш, замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий қилиш, жамиятни стратегик бошқаришда акциядорлар ролини кучайтириш учун қулай шароитлар яратиш мақсадида жамият ижроия органи томонидан “Корпоратив бошқарув кодекси” лойихаси тайёрлангани, хужжат лойихаси жамият кузатув кенгаши томонидан 2016 йил 17 мартағи мажлисда қўриб чиқиб, тасдиқлангани, “Корпоратив бошқарув кодекси”га амал қилиш масаласи жамият акциядорларининг умумий йигилиши томонидан тасдиқланиши белгиланганлигини маълум қилиди ва “Корпоратив

бошқарув кодекси” билан йигилиш иштирокчиларини таништириди. (жамият “Корпоратив бошқарув кодекси” илова қилинади).

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибидаги **ўн саккизинчи** масала бўйича жамият директори А.Раззоков сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги ПҚ-4720-сонли қарорининг 8-бандида “- корпоратив бошқарувнинг илгор услубларини жорий этиши бўйича тавсиялар, жумладан, узоқ муддатли истиқболда ривожсланиши стратегияси ва вазифалари, ички назорат тизимлари ва ижро органининг акциядорлар ҳамда инвесторлар билан самарали ўзаро ҳамкорлик механизмларини белгилаш” вазифалари белгилангани, хамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 29 декабрдаги ПҚ-396-сонли қарори билан қонунчиликка тегишли ўзгартиришлар киритилиб, жамият акциядорлари умумий йиғилишига жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиқсан ҳолда жамиятни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш, хамда ижроия органи ва кузатув кенгашининг жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисботларини эшитиб бориш юклатилганини инобатга олиб, “Жамиятни ўрта муддатга ривожлантириш стратегияси” лойихаси ишлаб чиқилгани, ушбу стратегия беш йил муддатга мўлжалланганини маълум қилди ва йиғилиш иштирокчиларини киритилаётган хужжат лойихаси билан таништириди.

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибидаги **ўн саккизинчи** масала бўйича жамият директори А.Раззоков сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги ПҚ-4720-сонли қарорининг 8-бандида “- корпоратив бошқарувнинг илгор услубларини жорий этиши бўйича тавсиялар, жумладан, узоқ муддатли истиқболда ривожсланиши стратегияси ва вазифалари, ички назорат тизимлари ва ижро органининг акциядорлар ҳамда инвесторлар билан самарали ўзаро ҳамкорлик механизмларини белгилаш” вазифалари белгилангани, хамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 29 декабрдаги ПҚ-396-сонли қарори билан қонунчиликка тегишли ўзгартиришлар киритилиб, жамият акциядорлари умумий йиғилишига жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиқсан ҳолда жамиятни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш, хамда ижроия органи ва кузатув кенгашининг жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисботларини эшитиб бориш юклатилганини инобатга олиб, “Жамиятни узоқ муддатга ривожлантириш стратегияси” лойихаси ишлаб чиқилгани, ушбу стратегия саккиз йил муддатга мўлжалланганини маълум қилди ва йиғилиш иштирокчиларини киритилаётган хужжат лойихаси билан таништириди.

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Раислик қилувчи умумий йиғилиш кун тартибидаги барча масалалар кўриб чиқилганини айтиб, овоз бериш натижалари саноқ хайъати томонидан аниқлангунга қадар танаффус эълон қилди.

(танаффусдан сўнг)

Саноқ хайъати мажлис қатнашчиларини овоз бериш натижалари билан таништириди.

1-масала Розиман 1824615 – 100% Каршиман- 0 Бетарафман - 0	2-масала Розиман 1824615 – 100% Каршиман- 0 Бетарафман - 0	3-масала Розиман 1824615 – 100% Каршиман- 0 Бетарафман – 0
4-масала Розиман 1824615 – 100% Каршиман- 0 Бетарафман - 0	5-масала Розиман 1824615 – 100% Каршиман- 0 Бетарафман - 0	6-масала Розиман 1824615 – 100% Каршиман- 0 Бетарафман - 0
7-масала Розиман 1824615 – 100% Каршиман- 0 Бетарафман - 0	8-масала Розиман 1824615 – 100% Каршиман- 0 Бетарафман - 0	
9- масала.(Кумулятив овоз.)		
Халисов Д. М.- 1824611 овоз Хакимов Р.- 1825682 овоз Халиллаев Р.- 1824233 овоз Кайрлапов А.А.- 1824233 овоз Камалов Т.- 1825844 овоз Мухаммадиев О.- 0 овоз Иброхимов Т.С.- 1824233 овоз Тулаганов Ф.- 1824233 овоз Саримсоков А.- 1824233 овоз Шерова Д.Н. - 1824233 овоз		
10- масала. Зарипов М.- 1824610 овоз Шерова Д.- 0 овоз Ходжаяров И.- 1824610 овоз Ибрагимова Г.- 1824610 овоз Акбарова Я.- 0 овоз		
11-масала Розиман 1824615 – 100% Каршиман- 0 Бетарафман - 0	12-масала Розиман 1824615 – 100% Каршиман- 0 Бетарафман - 0	13-масала Розиман 1824615 – 100% Каршиман- 0 Бетарафман - 0
14-масала Розиман 1824615 – 100% Каршиман- 0 Бетарафман - 0	15-масала Розиман 1824615 – 100% Каршиман- 0 Бетарафман - 0	16-масала Розиман 1824615 – 100% Каршиман- 0 Бетарафман - 0
17-масала Розиман 1824615 – 100% Каршиман- 0 Бетарафман - 0%	18-масала Розиман 1824615 – 100% Каршиман- 0 Бетарафман - 0	19-масала Розиман 1824615 – 100% Каршиман- 0 Бетарафман - 0

Раислик қилувчи кун тартибидаги барча масалалар кўпчилик овоз билан қабул қилинганини билдириди. Саноқ хайъати баённомаси бир овоздан тасдиқланди.

КУН ТАРТИБИДАГИ БАРЧА МАСАЛАЛАР АТРОФЛИЧА МУХОКАМА ҚИЛИНИБ

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. «Oloy dehqon bozori» АЖнинг 2015 йил якуни бўйича иш фаолияти юзасидан жамият директорининг хисоботи тасдиқлансин ва унинг фаолиятига қониқарли баҳо берилсин. (розиман 1824615 та овоз – 100%, қарши – йўқ, бетараф йук.)

2. Жамиятнинг 2015 йил якуни бўйича молиявий-хўжалик фаолияти юзасидан «НАЗОРАТ-АУДИТ» МЧЖнинг 2016 йил 18 мартағи ижобий аудиторлик хulosаси инобатга олинсин. (розиман 1824615 та овоз – 100%, қарши – йўқ, бетараф йук.)

3. Жамият Тафтиш комиссиясининг 2015 йил якуни бўйича ўз ваколати доирасига кирган масалалар, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонун хужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан хulosаси инобатга олинсин ва тасдиқлансин. (розиман 1824615 та овоз – 100%, қарши – йўқ, бетараф йук.)

4. Жамиятнинг 2015 йил якуни бўйича йиллик хисоботи инобатга олинсин ва тасдиқлансин. (розиман 1824615 та овоз – 100%, қарши – йўқ, бетараф йук.)

5. Жамият Кузатув Кенгашининг 2015 йил якуни бўйича ўз ваколати доирасига кирган масалалар, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонун хужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан хисоботи инобатга олинсин ва тасдиқлансин. (розиман 1824615 та овоз – 100%, қарши – йўқ, бетараф йук.)

6. Жамиятнинг молиявий ахволи инобатга олиниб, 2015 йилда олинган 106.178,5 минг сум соғ фойдадан захира жамгармасига 5 % - 5308,9 минг сум, аввалги йиллардаги копланмаган зарарни коплашга- 58336,4 минг сум ва жамиятни ривожлантиришга- 42533,2 минг сумни йуналтириш таклифи тасдиқлансин. (розиман 1824615 та овоз – 100%, қарши – йўқ, бетараф йук.)

7. Жамиятнинг 2016 йилга мўлжалланган «Бизнес-режа»си хамда “Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси” иловага мувофиқ тасдиқлансин. Жамият директори (А.Раззоков)га «Бизнес режа» параметрларини тўлиқ бажариш чораларини қўриш юклатилсин. (розиман 1824615 та овоз – 100%, қарши – йўқ, бетараф йук.)

8. Жамият директори Раззоков Аҳад Анварович билан тузилган шартнома муддати акциядорларнинг 2016 йил якуни бўйича навбатдаги умумий йиғилишига қадар узайтирилсин. (розиман 1824615 та овоз – 100%, қарши – йўқ, бетараф йук.)

9. Жамият Кузатув Кенгashi аъзолигига кумулятив овоз бериш йўли билан қўйидагилар сайлансин:

- ✓ 9.1. Халисов Д. М.- 1824611 овоз
- ✓ 9.2.Хакимов Р.- 1825682 овоз
- ✓ 9.3.Халиллаев Р.- 1824233 овоз
- ✓ 9.4.Кайрлапов А.А.- 1824233 овоз
- ✓ 9.5.Камалов Т.- 1825844 овоз
- ✓ 9.6.Иброҳимов Т.С.- 1824233 овоз
- ✓ 9.7.Тулаганов Ф.- 1824233 овоз
- ✓ 9.8.Саримсоков А.- 1824233 овоз
- ✓ 9.9.Шерова Д.Н. - 1824233 овоз

10. Жамият Тафтиш комиссиясига Зарипов Муродилла, Ходжаяров Ильхом ва Ибрагимова Гулчехралар сайлансин. (розиман 1824615 та овоз – 100%, қарши – йўқ, бетараф йук.)

11. Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар хукуқларини химоя қилиш тўғрисида”ги қонунига мувофиқ жамият Уставига ўзгартиришлар киритиш иловага мувофиқ тасдиқлансин. (розиман 1824615 та овоз – 100%, қарши – йўқ, бетараф йук.)

12. “Жамият акциядорлари умумий йиғилиши тўғрисидаги Низом”га ўзгартириш киритиш иловага мувофиқ тасдиқлансин. (розиман 1824615 та овоз – 100%, қарши – йўқ, бетараф йук.)

13. “Жамият Кузатув кенгаши тұғрисидаги Низом”га үзгартыриш киритиш иловага мувофиқ тасдиқлансин. (розиман 1824610 та овоз – 100%, қарши – йүк, бетараф йук.)

14. “Жамият Ижроия органи тұғрисидаги Низом”га үзгартыриш киритиш иловага мувофиқ тасдиқлансин. (розиман 1824615 та овоз – 100%, қарши – йүк, бетараф йук.)

15. Жамиятнинг “Ташкилий тузилмаси” (янги тахрирда) иловага мувофиқ тасдиқлансин. (розиман 1824615 та овоз – 100%, қарши – йүк, бетараф йук.)

16. Узбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамасининг 2015 йил 18 декабрдаги 366-сонли қарори ва 2016 йил 22 мартағы 216-ф-сонли фармойишида жамиятда құшимча чикарилган акциялар сотилишидан тушадиган пул маблагларини СХҚСХИМИЧ Департаменти маҳсус хисоб рақамиға йуналтирилиши ва кейинчалик ушбу пул маблаглари ҳисобига бошқа жамиятларнинг акциялари расмийлаштирилиши белгиланғанлығы инобатта олинсин ва тасдиқлансин. Акциялар сотилишидан тушадиган пул маблагларини үтказиш жараённан йирик битим ҳолати юзага келганды, йирик битимни Конунда белгиланған тартибда расмийлаштирган ҳолда ушбу вазифани бажарылиши белгилаб қуйилсан. (розиман 1824615 та овоз – 100%, қарши – йүк, бетараф йук.)

17. Жамиятнинг “Корпоратив бошқарув Кодекси” иловага мувофиқ тасдиқлансин ва унга риоя қилиш тасдиқлансин. “Корпоратив бошқарув кодекси”га илова тариқасида ишлаб чиқыладиган низом ва йүриқномаларни тасдиқлаш хуқуқи жамият Кузатув кенгашига берилсан. (розиман 1824615 та овоз – 100%, қарши – йүк, бетараф йук.)

18. “Жамиятни үрга муддатта ривожлантиришнинг стратегияси” иловага мувофиқ тасдиқлансин. (розиман 1824615 та овоз – 100%, қарши – йүк, бетараф йук.)

19. “Жамиятнинг узок муддатта ривожлантиришнинг стратегияси” иловага мувофиқ тасдиқлансин. (розиман 1824615 та овоз – 100%, қарши – йүк, бетараф йук.)

Баённома имзоланған сана: «2 » май 2016-йил.

Йиғилиш раиси

Д.М.Халисов

Котиб

Г.Хасанбаева